2 – SON / 2022 - YIL / 15 - OKTYABR

# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲРИСАБЗ ШАҲАР “15 –ОКТАБР ХАЛҚОРО ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ КУНИ”

*Муаллиф:* **Дилфуза Нафасова Насировна**

Республикамизда аёлларга бўлган эътибор кундан кун ривожланиб бормокда , аёлларнинг жамиятдаги ўрни мавқейи тобора ошиб бормоқда президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг жудаям кенг қамровда қарорлар чиқориб аёлларнинг ҳуқуқларини қонунда белгилаб беришлари , хотин қизларнинг сиёсий фаолликларини оширишлари учун жудаям катта лойиҳалар асосида ишлар ташкил этилганликлари ва бу борада олиб борилаётган ишларни санаб бўлмас даражада катта ўзгариш десам янглишмаган бўламан . Хотин қизларни таълим олиши учун фоизсиз узоқ муддатда таълим кредитлари берилиши , магистратурада ўқийдиган хотин қизларга бе пул таълим олишга ва кўп квоталар ажратиб беришлари , ҳар бир ҳонодондаги аёлларни индивудал ўрганиб ҳар бир аёлларни , хотин қизларни назардан четда қолдирмай уй шароитида тикувчилик қилиши учун , ердан унумли фойдаланиш учун одий уй бекасини кўкат экиб бўлсада ўз иши , оиласида даромад олиб келиш учун субсидиялар ажратилиши яъни ишсиз хотин қизларни ўз касблари бўлишини алохида эътироф қиладиган даражада ўзгаришларни шохиди бўлмоқдамиз.






Шаҳрисабз шаҳар 1-сектор хотин қизлар фаоллари ҳамкорлигида ташкил этилган 15-октябр қишлоқ аёллар куни муносабати билан турли соҳалардан аёллар таклиф қилинди ва кўтаринки руҳда тадбир ўтқазилди аёлларнинг доимо иззатда эътибордаликлари яъна бир бор таъкидланиб совғалар билан тақдирланишдилар аёлларнинг қанчалик эътироф этсада шундай ажойиб хилқат вакилларимиз чиройли , тарбияли , билимли , зукко фарзандларни вояга етқазиб берадиган,келажакда ватанини

ҳимоя қиладиган кўчли сиёсатчи , иқтисодчи ватанпарвар фарзандларни дунёга келтириб берадиган зот ҳам бу аёлдир.



Худудимиздаги аёлларнинг ўзига хос махорати кўрик танловига айланган тадбирда Шаҳрисабз шаҳар хокими ўринбосари оила ва хотин-қизлар қумитаси бўлими бошлиғи М.Ж.Алмирзаева иштирок этдилар ва реъжа ва ташаббуслари билан танишдилар ва ўзларининг совғаларини тақдим этдилар.

Шаҳрисабз шаҳар ахборот кутубхона марказида ўқувчи ёшлар ўртасида “ Қишлоқ аёлининг хаёти ” мавзусида расмлар хамда “Менинг қишлоғим” мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар худудларида фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб , бу хар бир фермирнинг кўзланган мақсадлари билан пахта етиштирилади ва хотин қизларимизнинг чиройли меҳнатсеварлиги билан йиғим теримларимиз кўтаринки кайфиятда йиғиб олинади ўз навбатида Шаҳрисабз шаҳар аёллари ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб пахта йиғимида иштирок этишдилар . Фермерларимиз кўзлаган натижаларига эришганларини айтиб , пахта ҳосилдорлиги юқори даражада бўлганидан жудаям хурсанд бўлиб пахта далаларида байрам дастурлари ташкил қилиб беришдилар .



Янгилик хақида гап борар экан барча фермерлар аввало Шаҳрисабз шаҳар хокими А.И.Сулаймоновга алоҳида миннатдорликларини айтиб ўтдилар , уларни доим қуллаб-қуватлаб , қанот бўлаётганликларини такрор ва такрор таъкидладилар . Сабаби анча йил илгари улар тўловларни амалга оширган бўлса-да тегишли шахобчалардан минерал ўғит ва ёнилғини ўз вақтида ололмаган вақтлари кўп бўлган. Бу машмашалар ўтмишда қолгани боис ҳам ютуқларга эришилмоқда дейдилар . Далада хали пахта мўл деб хурсанд кайфиятда ишларини давом эттирмоқдалар .

Ҳар бир кунимизга бехисоб шукир айтишимиз ва юртимиз тинч осойишталигидан миннатдор бўлиб келажак авлод ёшларига ҳам шукроналик ҳиссини сингдириб одилона олиб борилаётган давлатимиз раҳбарларининг

сиёсатларини тўғри тарғиб қилиб ёшларга намуна бўлишимиз бу бизнинг асосий бурчимиздир.